O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
№94 (847) 2024 йил 29 ноябрь, жума
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

МЕВА-САБЗАВОТ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 ноябрь куни мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда 4 миллион гектардан зиёд суғориладиган экин майдонлари бор. Уларда, асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва иқтисодиёт тармоқлари учун хомашё етиштирилмоқда. Охирги йилларда пахта ва ғалла майдонларидан 260 минг гектар деҳқончилик учун ажратилган. Энди яна 104 минг гектар берилиши мўлжалланган.

Бу йил озиқ-овқат экспорти ўтган йилга нисбатан 370 миллион долларга кўпайиб, ҳозиргача 2 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистон ўрик экспорти бўйича дунёда учинчи, гилос ва шафтоли бўйича еттинчи, мош ва бошқа дуккакли маҳсулотлар бўйича ўнинчи ўринга чиқди. Биргина гилос 16 та мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Экспорт Қорақалпоғистон ва Жиззахда 2,2 баробар, Хоразмда 1,8 баробар ва Сурхондарёда 1,6 баробар кўпайган. Лекин айрим вилоят ва туманларда ўзгариш сезилмаган. Масалан, ери кўп бўлган Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятидаги ўсиш уларнинг имкониятига мос эмас. Бухоро ва Сирдарё вилоятларида экспорт ўтган йилга нисбатан камайган.

Юртимизда 5 мингдан ортиқ қишлоқ маҳалласи бор. Туман маркази ва шаҳарларда яна 2 мингдан кўпроқ маҳалладаги хонадонлар томорқага эга. Лекин атиги мингта маҳаллага кўчат тарқатилиб, маҳсулотни сотиб олувчи тадбиркор бириктирилган. 26 та туманда томорқа хизмати йўлга қўйилмаган. Баъзи жойларда деҳқонларга сифатсиз уруғ сотилгани туфайли маҳсулот йўқотилган.

Шу боис ҳар бир маҳалла, хонадон ва фермер хўжалигига Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ходими бириктирилиши белгиланди.

Томорқа ва уйлар олди, маҳалладаги кўчалар бўйи, дала чети ва каналлар атрофида 650 минг гектар ер бор. Бу ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ва дарахтлар экиш учун яхши имконият. Энди бу ерларнинг аниқ ўлчами тасдиқланиб, «Агроплатформа»га киритилади. Аҳоли ва фермерлар сифатли уруғ танлаш, дори ва ўғитни тўғри қўллаш, маҳсулотни сифатли сақлашга ўргатилади.

Бу саъй-ҳаракатни рағбатлантиришга катта енгилликлар берилади. Дала четини самарали ишлатган фермерларга тадбиркорлар рейтингида қўшимча балл ҳисобланади, ички фитосанитар сертификати бир йил давомида бепул берилади. Фермернинг барча ерлари учун ер солиғини икки йилга бўлиб тўлашга рухсат этилади. “Оилавий тадбиркорлик” дастуридаги 100 миллион сўмгача бўлган кредитлар соддалашган тизимда ажратилади. Дала четлари ҳисоби, етиштирилган маҳсулот ҳажми “e-Fitouz” портали орқали назорат қилиб борилади.

Маҳаллалардаги кўчалар ва кўп қаватли уйлар атрофида 10 миллион туп узум экиш ташаббуси билдирилди. Улар ўсиб, ҳосилга киргунча Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши барча агротехник тадбирларга кўмаклашади. Маҳсулотларни сотиб олиш учун маҳаллалар экспортчи корхоналарга боғланади.

Йиғилишда мева-сабзавотларни қайта ишлаш масаласи таҳлил қилинди.

Пишиқчилик даврида нарх тушиб кетиши оқибатида карам, лавлаги, пиёз каби маҳсулотлар далада қолиб кетаяпти. Бу йил тарвузнинг ҳам катта қисми йиғиб олинмади. Ҳолбуки, эҳтиёждан ортган маҳсулотни қуритиб, кукун шаклида экспорт қилиш мумкин, бунга қандолатчилик корхоналарида талаб катта.

Экспорт йил давомида бўлиши учун “шок” усулида музлатиш технологияси самарали. Шу боис қишлоқ хўжалиги вазири ва вилоят ҳокимларига келаси йил шундай лойиҳаларни ишга тушириш топширилди.

Шунингдек, 10 та агрологистика маркази, мингдан ортиқ совуткичли омборхона ташкил этилади. 40 минг гектардан ортиқ саноатлашган интенсив мевали боғ ва токзорлар барпо этилади.

Маълумки, жаҳон бозорида органик маҳсулотлар нархи 2-3 баробар қиммат. Юртимизда 10 та тумандаги 3 минг 900 гектар майдонда органик сертификат бор, холос. Андижон, Жиззах ва Хоразмда эса бундай маҳсулот етиштириладиган бирорта ер йўқ.

Ваҳоланки, сув омборлари атрофида пестицид ишлатилмайдиган 2 минг гектар ерда экин етиштирилаяпти. Фақат уларга органик сертификат олиниб, тоза уруғ ва кўчатлар экилса бўлгани.

Шу каби имкониятлар кўрсатиб ўтилиб, мутасаддиларга 2025 йилда органик майдонларни 10 минг гектарга, келгуси уч йилда 100 минг гектарга етказиш вазифаси қўйилди.

Энди органик майдон ташкил қилган фермер ва деҳқонларга ерни лазер билан текислаш харажати давлат томонидан қоплаб берилади. “Органик”, “Глобал Гап”, “Ҳалол”, “Кошер” каби сертификатларни олиш харажатлари учун тадбиркорларга субсидия ажратилади.

Бу йил Ўмон Султонлигининг йирик савдо тармоқларида Ўзбекистон маҳсулотлари учун алоҳида раста ажратилиб, илк бор гилос, шафтоли ва ўрик экспорти йўлга қўйилди. Буни Малайзия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Сингапур, Жанубий Корея, Япония ва Европада ҳам кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Савдо ярмаркалари ташкил қилиш, фитосанитар рухсатнома олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Умуман, ушбу чора-тадбирлар орқали келгуси йилда мева-сабзавот экспортини 3,5 миллиард долларга етказиш мумкинлиги қайд этилди.

Йиғилишда, шунингдек, атроф-муҳитни асраш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Мутасаддилар Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳаларининг бориши юзасидан ахборот берди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига яна бир бор эътибор қаратилди. Бу ҳаракат доирасида ҳар йили баҳор ва кузда 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш белгиланган. Шу пайтгача вазирлик, идора ва ҳокимликлар томонидан 257 та “яшил боғ” барпо этилиб, уларнинг сони 517 тага етган.

Президентимиз бу хайрли ишда давлат ташкилотлари намуна бўлиши, қурилиш компаниялари ижтимоий масъулият олиши кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда ижро интизоми масаласи ҳам таҳлил қилинди. Йил якунигача оз қолгани, белгиланган барча вазифаларни бажариш натижадорликни ошириши қайд этилди.

Келгуси йил ҳар бир вазирлик, вилоят ва тумандаги ишларнинг тизимли ҳисоби олиб борилади. Бу электрон платформага ўтказилиб, сўров ҳам, маош ҳам шунга боғланади.

Бош вазирга ушбу тизимни йўлга қўйиб, ижро интизоми ва назоратини кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

ЎзА.

2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

Янги Андижонда 19 гектарли боғ барпо этилмоқда



Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Андижон вилоятида жорий йилда 15 миллион тупдан зиёд мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилиши мўлжалланган. Баҳор мавсумида 9,5 миллион тупдан зиёд кўчат экилиб, белгиланган режа 112 фоизга бажарилди.

Вилоятда куз мавсумида 5 миллион 780 минг туп мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатлари экиш кўзда тутилган бўлиб, айни кунларда барча туман ва шаҳарларда ишлари режа асосида давом этмоқда.

Халқимизнинг “Кўчат экиб, боғ яратиш, хайрли ва савобли иш” деган ибратли удумига амал қилган кўплаб юртдошларимиз, ҳудудларни яшил маконга айлантиришдек хайрли ишда фаол иштирок этмоқда.

Андижон тумани адирликларида барпо этилаётган Янги Андижон шаҳри ҳудудида ҳам кўчат экиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Хусусан, вилоят ҳокими ташаббуси билан мазкур ҳудудда 19 гектар майдонда боғ барпо этилаётганлиги эътиборга молик. Мазкур жараёнда меҳнат жамоалари, маҳаллалар аҳолиси фаол иштирок этиб, боғни барпо этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда, деб хабар қилади ЎзА мухбири Фахриддин Убайдуллаев.

Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси жамоаси, умуман, умуммиллий ҳаракатда фаол қатнашаётган кўнгилли ёшлар томонидан шу кунларда янги барпо этилаётган боққа 2 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ташкил этилди

“Қурилиш ресурслари миллий классификатори” электрон платформаси қандай мақсадларни кўзда тутиши ва бугунги кундаги зарурати нималардан иборат эканини тушунтириш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан Солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда тадбиркорлар иштирокида очиқ мулоқот ташкил этилди.



Тадбирда таъкидланганидек, лойиҳалаш ва қурилиш жараёнини рақамлаштириш ҳамда қурилишга БИМ технологияларини жорий этишда рақамли бошқарув тизимларидан фойдаланиш ва ресурсларни батафсил таснифлаш мажбурий талаб ҳисобланади. Мазкур платформа турли ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг маҳсулотларини бир жойда жамлаб, базада бирлаштиради. Кенг аудиторияни очиқ ахборот билан таъминлайди. Бу эса ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга потенциал мижозларни жалб қилиш ва бозорда янада самарали рақобатлашиш имконини яратади.

Мутасаддилар платформа келгусида янада такомиллаштирилишини қайд этдилар. Бунинг натижасида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар учун йирик олди-сотди платформаси ва МДҲ давлатлари ўртасида экспорт-импорт фаолиятини йўлга қўйиш имкони яратилади. Таъкидлаш ўринлики, халқаро тажриба асосида стандартларга мос бўлган номларда қурилиш ресурслари, уларни гуруҳларга ва бўлимларга таснифлаган ҳолда ҳар бири учун алоҳида идентификация коди ва номланишини назарда тутувчи нархлар электрон каталоги шакллантирилди. Ҳозирги кунга қадар мазкур каталогда 1 000 га яқин ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи тадбиркорларнинг 35 000 га яқин маҳсулоти жойлаштирилган.

Қурилиш ресурслари миллий классификатори Солиқ қўмитасининг 190 мингдан ортиқ МХИК коди билан уйғунлаштирилди. Мазкур платформа Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси, Товар-хомашё биржаси, Ўзстандарт агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Статистика агентлиги билан ҳамкорликда уларнинг маълумотлар базалари билан интеграциялашган ҳолда ташкил этилган.

Шунингдек, тадбирда маҳсулотларнинг ўлчов бирликларини белгилаш, МХИК кодини танлаш ёки янги материалларга янги кодлар бириктириш билан боғлиқ саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди. Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти, Солиқ қўмитасининг “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази мутасаддилари тадбиркорлар томонидан берилган таклифларни инобатга олган ҳолда тизимни янада такомиллаштиришларини таъкидлашди.

Энергия самарадорликни оширишнинг истиқболдаги вазифалари

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти томонидан “Қурилишда энергия самарадорликни оширишнинг истиқболдаги вазифалари” мавзусида республика анжумани бўлиб ўтди.



100 дан ортиқ халқаро ҳамкорлар, лойиҳа ташкилотлари, маҳаллий соҳа мутахассислари ҳамда олий таълим муассасалари вакиллари иштирок этган тадбирни вазир ўринбосари Даврон-жон Адилов очиб, соҳада энергосамарадорликни оширишнинг аҳамияти ҳақида шундай деди:

– Дунёнинг кўплаб давлатларида электр энергия тақчиллиги кузатилаётган бир пайтда унинг самарадорлиги ва тежамкорлигига эришиш ҳар бир фуқаронинг вазифасидир. Чунки йилдан-йилга табиий ресурсларнинг камайиб бораётгани ва электр энергиясига бўлган талабнинг тобора ортаётгани унинг самарадорлиги ва тежамкорлигига бўлган талабни ҳам оширяпти. Мазкур талаблар мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган бунёдкорлик соҳасида ҳам янгича қарашлар, ёндашувларни жорий этиш заруратини тақозо этади. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида 2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилгани Янги Ўзбекистонда она табиатни асраб-авайлаш, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди.

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда қурилиш соҳасига оид 105 та норматив-техник ҳужжатдан 71 та шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, амалга киритилди. 32 та миллий стандарт Ўзбекистон стандартлар институтининг буйруғи билан давлат рўйхатига олинди. Бундан ташқари, яна 3 та қурилиш регламенти ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ҳозирда бино ва иншоотларнинг хавфсизлиги ва энергия самарадорликни ошириш мақсадида ГИЗ, УНДП ва ИФС каби халқаро ташкилотлар билан келишувлар асосида 12 та техник-норматив ҳужжат такомиллаштирилмоқда.

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори в.в.б. Музаффар Мустапов мазкур маълумотларни тақдим этар экан, келгуси вазифаларга ҳам тўхталиб ўтди:

– Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонига кўра стратегия тасдиқланиб, бир қатор йўналишларда ишларни ташкил этиш белгиланган. Хусусан, бино ва иншоотларнинг хавфсизлиги ва энергия тежамкорлигини ошириш, объектнинг ҳаётий даври мобайнида инновацион технологияларни қўллашга йўналтирилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қурилишда энергия жиҳатдан самарадор ва тежамкор материалларни, асбоб-ускуналарни қўллашни кенгайтириш, бино ва иншоотларнинг энергия тежамкорлик синфлари бўйича таҳлилий маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда уларнинг энергетик аудити тизимини кенг жорий этиш шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институтида бино ва иншоотларни энергия аудит қилиш жараёнида керак бўладиган бино ва иншоотларнинг энергия истеъмоли бўйича маълумотларни йиғиш, шунингдек, олинган маълумотлар ва энергия аудит натижаларини таҳлил қилиш асосида бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини мониторинг қилишни кўзда тутувчи Ресурс маркази ташкил этиш ишлари амалга ошириляпти.

Мазкур анжуман орқали ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш кўзда тутилган.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№94 (847) 2024 йил 29 ноябрь

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР МАТЕРИАЛЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугунги кунда дунёда бино ва иншоотлар қурилишида инновацион янги турдаги қурилиш материалларини қўллаш орқали энергия тежамкорликка катта аҳамият қаратилмоқда. Маълумки, республикамизда иссиқлик сарфловчи материалларнинг 3 хили, яъни базальт тоши, шиша момиғи ва пеноплекс турларидан кенг фойдаланилади.



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан маҳаллий ва жаҳон бозорини энергия тежамкор базальт хомашёсидан тайёрланган иссиқлик сақловчи плиталар билан таъминлаш, ушбу йўналишда янги саноат корхоналарини барпо этиш мақсадида кўплаб йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

– Бугунги кунда энергия тежамкор қурилиш материалларидан газобетон блоклари, пенобетон, палестерол, турли хил сендвич панеллар, айнан базальт маҳсулотидан эса базальт иссиқлик сақловчи материаллари, композицион қувур маҳсулотлари, базальт тибра ва арматура маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда, – дейди "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси бўлим бошлиғи Улуғбек Ҳақбердиев. – Бу маҳсулотларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари бор. Бино ва иншоотнинг қурилиши ундан қай мақсадда фойдаланилишига қараб фарқланади. Бугунги кунда бозорларда асосан базальт иссиқлик сақловчи қурилиш маҳсулотларига талаб юқори бўлмоқда.

Шаҳарсозлик қоида ва нормаларида ҳар бир бино-иншоотнинг талаблари конструктив жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Бу талабларга кўра, одам соғлиғини сақлаш учун хонадон ҳаво ҳароратидан уни таъминлашга кетадиган иссиқлик энергияси ва ташқи тўсиқ девор конструкцияларининг хусусиятларигача талаблар белгилаб берилган.

Хусусан, мазкур талабларнинг бажарилиши мақсадида ҳозирги кунда замонавий қурилиш хомашёларидан ишлаб чиқарилаётган экологик табиий маҳсулотлардан ва шунга ўхшаш материаллардан фойдаланиб, бунга эришиш имконияти мавжуд. Бу соҳада Япония, Норвегия Германия, Голландия каби олди давлатларнинг тажрибаси ўрганиб чиқилиб, ҳозирги кунда қоида ва нормалар тегишли тартибда такомиллаштириб борилмоқда.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир янги бино қурилиши маълум миқдордаги харажатни талаб этади. Бу бирламчи харажат сифатида қаралади. Бино фойдаланишга топширилгач, унинг иккинчи ҳаёт жараёни бошланади. Яъни уларнинг ўртача хизмат қилиши 100 йил бўлишини инобатга оладиган бўлсак, иссиқлик энергияси билан таъминлаш учун сарфланадиган сарф-харажатлар унинг дастлабки қурилишидан бирмунча юқори бўлади. Шу маънода, биноларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш учун энергия тежамкорлик талабларига риоя этиш айни муддао. Энергия ресурсларига бўлган талаб тобора ортиб бораётганини инобатга олсак, тежамкор материаллардан фойдаланиш кўзланган имкониятни беради. Ҳозирги кунда янги бино ва иншоотлар қурилишида ана шундай материалларни қўллаш талаби шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгилаб қўйилган.

Қурилиш меъёрларига амал қилишда инсон саломатлиги ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади. Бугунги кунда пудрат ташкилотлари базальт маҳсулотларидан қурилиш жараёнларида фаол фойдаланишмоқда. Шу ўринда ушбу маҳсулотларнинг энергия тежамкорлик сифати ва даражаси умуман фойдали жиҳатлари нимада деган ҳақли савол туғилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, базальт минерал плиталари, мисол учун икки қаватли ҳовли қурилишида бир девор бир метрли пишиқ ғишт асосида барпо этилса, уни иссиқлик ўтказувчанлиги ўлчов бирлигида 0,84 бўлади.

Ҳозирги кунда энергия тежмкорлик анча муҳим мавзу. Хўш, энергия тежамкор маҳсулотлар бизга қанчалик фойдали ёки у иқтисодий жиҳатдан самарали? Икки қаватли уйда энергия тежмкорликка оид ҳолатларни ҳисобга оладиган бўлсак, уч йил даврда унинг харажати учун сарфланган маблағ тўлиқ ўзини оқлайди. Бу билан нафақат халқ саломатлиги сақланади, балки иқтисодий ҳолат ҳам яхшиланиб, бирмунча маблағ иқтисод қилиниши ҳам мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимиз ўзига хос қурилиш майдонига айланди. Янги қурилиш бино ва иншоотлари қурилиш нормалари асосида қурилмоқда. Қурилиш материаллари соҳаси қай даражада инвесторларни ўзига тортмоқда?

– Бугунги кунда Республикамиз ҳудудида жами 19 та кон давлат балансида аниқланган бўлиб, Самарқанд, Жиззах, Қорақалпоғистон, Наманган вилоятларига тўғри келади,– деди Улуғбек Ҳақбердиев. – Инвестиция лойиҳаларига тўхталадиган бўлсак, авваламбор, Ўзбекистондаги талабдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, 2023 йилда 67 минг тонна базальтдан иссиқлик сақловчи қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган. Бу талабнинг 99 фоизи қопланди, дегани. Мос даврга нисбатан 2023-2024 йилда 89 минг тонна базальт иссиқлик сақловчи қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган бўлиб, яъни жорий йилнинг 9 ойигача 132 фоиз талабни қопламоқда. Бу борада 10 га яқин инвестиция лойиҳалари амалга оширилган. Баъзиларида қурилиш ишлари якунланган. 2027 йилга қадар бу кўрсаткич 400 минг тоннага чиқиши белгиланган. Ҳозирда республикамизда экспорт кўрсаткичлари анча юқори даражага кўтарилиб, 2024 йилнинг 9 ойи давомида 59 млн АҚШ долларига тенг экспорт қилинмоқда. Импорт кўрсаткичлари эса 49 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Биз агар қурилиш материалларини экспортга йўналтираётган бўлсак, сифати ҳам халқаро стандартларга жавоб беряпти.

Бу маҳсулотлардан монтаж жараёнларида тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, совуқда тўғри монтаж қилинмаган ҳар қандай конструктив элемент ўзини намоён қилиб, уйларнинг иссиқлик таъминланишига путур етказиши мумкин. Натижада ортиқча иссиқлик энергияси сарфланишига олиб келади. Бу нафақат шахсий маблағларга, ҳаттоки, давлат миқёсида ҳам катта харажатларга сабаб бўлади.

Инновацион қурилиш материаллари соҳасида маҳорат дарслари

Шукрулло КАМИЛОВ, Тошкент архитектура-қурилиш университети Муҳандислик факультети Қурилиш материаллари ва конструкциялари технологияси кафедраси доценти, PhD.

Сўнгги йилларда инновацион қурилиш материаллари соҳасида илмий ва амалий машғулотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Кнауф компанияси ва Тошкент архитектура-қурилиш университети ўртасидаги ҳамкорлик ҳам худди шу мақсадга хизмат қиляпти.



Яқинда мазкур ҳамкорлик доирасида ўқитувчи ва талабалар учун маҳорат дарслари ташкил қилинди. Унда Австриянинг "Knauf Ceiling Solutions GmbH & Co – KG" компанияси мутахассиси жаноб Клаус Нагелер иштирок этиб, инновацион материалларнинг янги турлари, хусусиятлари, самарадорлиги ва фойдаланиш технологиялари ҳақида маълумот берди. Машғулотлар амалиётга асосланган бўлиб, иштирокчиларга инновацион технологияларни татбиқ қилиш имконини яратгани билан аҳамиятлидир.

Бир сўз билан айтганда, Кнауф компанияси ҳамда ТАҚУ ҳамкорлиги доирасида ўтказилаётган бу каби тадбирлар нафақат талаба ёшлар ва педагог кадрлар малакасини оширишга, балки маҳаллий қурилиш соҳасига хорижий инновацион технологияларнинг жорий этилишига ҳам ҳисса қўшади. Бу эса, ўз навбатида, юртимиз қурилиш соҳаси ривожига хизмат қилади.

УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛИШДА ЭСКРОУ ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ – ДАВР ТАЛАБИ



Исламбек ДАВЛЕТОВ, Тошкент архитектура-қурилиш университети менежмент кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc), профессор.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва уйларнинг ҳар томонлама қулай ҳамда шинамлиги мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражаси ва сифатига бевосита таъсир қилади.



Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар борасида аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг ижтимоий аҳамияти ошишига сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи ўзига хос демографик вазият шаклланганини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотларига кўра, республикада доимий аҳоли сони 2024 йил 1 октябрь ҳолати билан 37,36 млн кишини ташкил этади. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 755,6 кишига ёки 2,1 фоизга ошган. Хусусан, шаҳар аҳолиси 19,05 млн (жами аҳолининг 51 фоизи), қишлоқ аҳолиси эса 18,31 млн кишига (жами аҳолининг 49 фоизи) етди. Шу билан биргаликда, доимий аҳоли таркибида меҳнатга лаёқатли ёшга етмаганлар улуши 32 фоизни, меҳнатга лаёқатлилар 56,4 фоизни ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар эса 11,6 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 2023 йилда уй-жой қуриш ҳажми 1,5 бараварга ортиб, 90 минг хонадонли уй-жой қурилган. Шунингдек, олдинги йиллардан фарқли равишда 2023 йил якунида қурилиш ишлари ҳажми 107 фоизга ортди. Қиймат жиҳатдан қараганда, қурилиш ишлари ҳажми республика бўйича жами 140 трлн сўмдан ошган. Бу ерда асосан, кўп квартирали уйлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари, муҳандислик-коммуникациялари ва йирик ишлаб чиқариш иншоотлари қурилишига оид мақсадли дастурлар амалга оширилиши ҳамда "ташаббусли бюджет" тизимининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Шу билан биргаликда, 2023 йил мобайнида, 40 та ҳудудда "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиши жадал олиб борилди. Инвестиция дастурлари асосида 2535 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларида қурилиш-реконструкция ишлари, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида эса 5284 та маҳаллада 7138 та объектда жами 7 трлн сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Юқорида таъкидланганлар бугунги кунда мамлакатимизда уй-жой қурилишини ривожлантириш нақадар долзарб эканлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, мамлакатимизнинг уй-жой қурилиши соҳасини ривожлантириш зарурияти ипотекали кредитлаш механизмларини такомиллаштириш, бозор тамойиллари асосида аҳолининг барча қатламлари учун ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўришни тақозо этди.

Жаҳон банки мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқотларга асосан, Ўзбекистонда уй-жой сотиб олиш даражасига баҳо берилиб, аҳолининг уй-жой сотиб олиш имкониятини ошириш, айниқса, ўрта даромадли аҳоли учун уй-жой қурилишининг кўпроқ молиялаштирилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шу билан бирга, жадал ривожланаётган шаҳарларда уй-жой қурилиши учун хизматлар кўрсатилиши билан биргаликда ер участкалари ажратилишини кўпайтириш лозимлиги ҳам алоҳида қайд этилган.

Ҳукуматимиз томонидан 2017 йилдан бошлаб, нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам аҳолини арзон ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш бўйича фаол сиёсат олиб борилмоқда. Шунга қарамай, бу борада баъзи бир эътирозли ҳолатларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, Тошкент шаҳрида ипотека кредитларида юқори фоиз ставкаси, янги қурилган кўп квартирали уйларда ипотека ва ссудалар орқали хонадон сотиб олиш имконияти мавжуд эмаслиги, хонадонлар учун дастлабки тўлов ва ойма-ой кредитни қайтариш ҳамёнбоп эмаслиги, уларни тўлаш муддатлари қисқалиги ва бошқа бир қанча омиллар муҳтож аҳоли томонидан хонадонлар сотиб олинишида маълум бир қийинчиликларни туғдирмоқда.

Таъкидлаш жоиз, аҳолининг уй-жой сотиб олишида давлатимиз томонидан берилаётган имтиёз ва қулайликлар мамлакатда камбағаллик ва ижтимоий тенгсизликни камайтиришга катта ҳисса қўшади. Жорий йилнинг 23 сентябрь куни Президент раислигидаги қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда уй-жой қуриб беришни ваъда қилган қурувчи ва бунга пул тиккан аҳоли ўртасида низолар кўпайиб бораётгани, шунингдек, улар нопок қурувчиларга алданиб, ҳам уйсиз, ҳам пулсиз қолиб кетаётганлиги алоҳида таъкидланди. Шу боис, Президент топшириғига биноан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири бошчилигида ишчи гуруҳ томонидан хорижий тажрибани ўрганган ҳолда эндиликда уй-жой сотиб олиш бўйича кафолатли **эскроу** тизимини жорий қилишга келишилди.

Бунда девелоперлар ўзлари қураётган уйлар сотувини ташкил қилиш бўйича банклар билан шартнома тузади, бу уйларни олмоқчи бўлган одамлар пулини қурувчига эмас, тўғридан-тўғри банкка топширади. Банклар эса йиғилган пулни қурувчига ресурс сифатида беради. Шунда банклар қурувчи ва харидор ўртасида кўприк бўлиб, уй-жойни ўз вақтида ва сифатли қуриб, эгасига топширишга кафил бўлади. Ушбу янги тизим Самарқанд шаҳри, Янгиҳаёт ва Сергели туманларида бир йил давомида тажрибадан ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Эскроу ўзи нима, унинг афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат? Бу борада хорижий давлатларни тажрибаларига эътибор қаратсак.

Эскроу – бу акциядорларнинг пуллари сақланадиган банк ҳисоб-варағидир. Харидор хонадон сотиб олиш учун пулини тўғридан-тўғри қурувчи-сотувчига эмас, балки қурувчи (қурилиш компанияси)нинг кириш имкони бўлмаган банкдаги ҳисоб-рақамга ўтказади. Эскроу ҳисоб-варағининг моҳияти шундан иборатки, қурувчи биринчи хонадонини харидорга ўтказмагунча пулни олмайди. Бу орқали қурувчининг банкротлиги ёки фирибгарлиги туфайли аҳоли пулини йўқотиш хавфининг олди олинади. Шу билан бирга, қурилиш компанияси (сотувчи) қурилиш учун пулни акциядорлардан эмас, балки банкдан кредит шаклида олади.

Россия Федерациясининг "РБК" ("РосБизнесКонсалтинг") компаниялар гуруҳи маълумотларига қараганда, қурилиш компаниялари 2019 йил ёзида улушли қурилишдан эскроу ҳисоб-варағи ёрдамида лойиҳаларни молиялаштиришга ўтдилар. Ушбу янги тизим алданган янги акциядорлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун фуқаролар инвестицияларининг хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлашга қаратилган. Россия Федерацияси қонунчилигида эскроу ҳисоб-варақларини очиш хизматлари банклар томонидан тақдим этилади, улар эскроу агентлари деб аталади. Эскроу агентлари мустақил воситачилар сифатида ишлайди ва шартнома шартлари бажарилишини назорат қилади.

Қурувчиларнинг турар жой бинолари лойиҳаларини молиялаштириш ишлари ҳам банклар томонидан амалга оширилади. Эскроу ҳисоб-варақлари лойиҳага кредит бераётган банкда очилади. Шу сабабли, эскроудаги пул маблағлари девелопер қарзлари бўйича арзон молиялаштириш жамғармаси бўлиб ҳисобланади. Шу билан биргаликда, қурилиш босқичида хонадонларнинг муваффақиятли сотилиши девелопер қарзи бўйича фоизларни камайтириш имконини ҳам беради. Ушбу тўлов тизимининг асосий афзаллиги – хавфсизликни таъминланиши ва таваккалчиликни минималлашганидир. Банк шартномада кўрсатилган асослар юзага келгандан кейингина тўловни кафолатлайди. Бундан ташқари, ушбу афзалликларга манфаатдор бўлмаган шахс (банк) билан маблағларни ишончли сақлашлар ҳам киради. Сотувчи учун наф, бу унинг барча шартлари бажарилган ҳолда шартнома бўйича тўлиқ тўловни олиш ишончидир.

Асосий камчилик шундаки, илгари қурувчилар тўғридан-тўғри акциядорлардан пул олган бўлса, эндиликда банклар қурилишни кредитлар орқали молиялаштиради. Қурувчилар банкларга фоиз тўлайдилар ва турар жой таннархи эса ошиб боради. Бунда баъзи одамлар кўчмас мулкка қўйган инвестицияларидан даромадларини йўқотишлари мумкин бўлади. Қурувчилар учун қазиш босқичида (подкотлован) хонадонларни сотишдан манфаат қолмайди: улар нима бўлганда ҳам биринчи хонадонга эгалик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказгандан кейингина пулни оладилар. Савдолар кейинроқ бошланади, шунингдек илгари қазиш босқичида (подкотлован) хонадон сотиб олиш ҳамда тайёр хонадонни (подключ) сотиш ўртасидаги фарқ бўйича фойда кўрадиганлар эндиликда даромадларини йўқотадилар. Кўчмас мулкка киритилган инвестициялар бўйича даромадлар олдинги даврларга нисбатан камроқ бўлди, аммо оддий банк депозити билан солиштирганда эса инвестициялар фойдалироқ бўлиши мумкин.

Мухтасар қилиб таъкидлаш мумкинки, қабул қилинган фармон ва қарорларда аҳолини арзон, қулай ва шинам уй-жойлар билан таъминлаш борасида мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ва амалий ишлар, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида эришилган натижалар яққол кўриниб турибди. Шу билан биргаликда, бугунги кунда аҳолининг уй-жойларга бўлган талабининг ортиши ва уларни сотиб олиш билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки, уй-жой сотиб олиш харажатлари одатда аҳоли харажатларининг асосий қисмини ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, республикада уй-жой қурилиши ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ишларнинг жадал ривожланиши, аҳолининг уй-жойга бўлган талаби ўсиши ва хонадонлар сотиб олиш соҳаларида инсон омилини имкон қадар камайтириш, бу борада замонавий ахборот тизимларини жорий этиш ва рақамлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш, шунингдек, аҳолининг уй-жой сотиб олишида хавфсиз ва ишончли бўлган эскроу тизимининг жорий этилиши бугунги кун талабидир.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Маданият маркази фойдаланишга топширилди

Шомурод БЎРОНОВ, Халқ депутатлари Когон тумани кенгаши депутати.

Давлатимиз раҳбари раислигида 2023 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳар бир туманда кинозали, кутубхона, турли тўгаракларни ўзида жамлаган маданият марказини барпо этиш, ҳудудларда маданий тадбирларни мунтазам ташкиллаштириш, ёшларни санъатга жалб қилиш бўйича қатор тавсия ва топшириқлар берилган эди.

Мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида “Когон” МФЙда 15-сонли маданият маркази қисқа муддат ичида мукаммал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

“Инвест строй” МЧЖнинг моҳир қурувчилари саъй-ҳаракатлари билан қайта чирой очган мазкур марказда мусиқа ва санъатга ихлосманд ёшлар учун рақс, анъанавий чолғу асбоблари, доирачилар тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Туман ҳокимлиги ва маъмурий сектор амалий кўмагида ҳомийлик маблағи асосида қайта таъмирдан чиқарилиб, зарур инвентарлар, қаттиқ ва юмшоқ мебель билан жиҳозланган маданият маркази 100 нафар ёшни тўгаракларга қамраб олишга мўлжалланган. Шунингдек, марказда 60 ўринли кинозали ҳам мавжуд.

Маданий марказни фойдаланишга топшириш тадбирида вилоят ҳокими ўринбосари Ботир Шаҳриёров, Когон туман ҳокими Отабек Қазоқов, вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Шерзод Тилавов, туман сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, маданият ходимлари ҳамда ҳудуд нуронийлари иштирок этдилар. Шу куни тадбир иштирокчилари марказ ҳудудидаги бўш ер майдонига “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазиб, мўъжазгина боғ ҳам ташкил қилишди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Янги ГЭСлар кўпаймоқда

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Юртимизда яшил энергетика манбаларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ривожланган мамлакатларда ҳам бир қатор афзалликлари туфайли ГЭСлардан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилинаётгани ҳам бежизга эмас.

Мамлакатимизда ҳам бу йўналишда жиддий ишлар олиб борилмоқда. Буни табиатни асраш сари қўйилган яна бир истиқболли лойиҳа, дейиш мумкин. Бу борада “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг юртимиздаги сув ресурсларидан фойдаланиб, гидроэнергетика қувватларини ошириш мақсадида амалга ошираётган ишлари мақсадга мувофиқ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йилдаги 275-сонли қарорида ҳам айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда мазкур қарор асосида жойларда бир қанча ишлар амалга оширилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва бошқа тегишли ҳужжатлар асосида Самарқанд вилоятида 16 та микро ГЭС қурилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача уларнинг 3 таси фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда Пастдарғом микро ГЭС-3, Ургут айланма Дарғом микро ГЭС-2, Ургут айланма Дарғом микро ГЭС-3, Ургут айланма Дарғом микро ГЭС-8, Ургут айланма Дарғом микро ГЭС-10 каби объектларда қурилиш-монтаж ишлари жадаллик билан давом этмоқда.

Вилоят миқёсида амалга оширилаётган бу лойиҳаларда 1-сон қурилиш дирекцияси буюртмачи, Россия Федерациясининг “Силовая машина” компанияси бош пудратчи, “Энергоресурсы” корхонаси пудратчи ҳисобланади. Янги қурилган ГЭСларга замонавий ва автоматлаштирилган генераторлар ўрнатилади. Муҳими, уларни бошқариш мобайнида инсон омили сезиларли даражада камайтирилади.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Автомобилсозликда энг илғор ҳудуд

Жиззах эркин иқтисодий зонасида барпо этилган “ADM Jizzakh” енгил автомобилсозлик корхонаси фаолият бошлаганига 3 йил нари-берисида вақт ўтар-ўтмай, у ерда яна бир йирик муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбалари асосида автомобиллар ишлаб чиқарадиган, Ўзбекистонда ягона бўлган “BYD Uzbekistan Factory” корхонаси ҳам жорий йил биринчи чорагидан буён фаолият кўрсатиб келмоқда.







Жамшид ЁРБЕКОВ (ЎзА) олган суратлар.

Давлатимиз раҳбари поёнига етиб бораётган йилимизнинг 25 январь санасида Хитой Халқ Республикасининг Шэньчжэнь шаҳридаги “BYD” компанияси бош қароргоҳи ва технологиялар марказига ташриф буюриб, Жиззах вилоятида электромобиллар ишлаб чиқаришга старт бергани ҳақида хабар берган эдик.

Ушбу қиймати 160 миллион долларлик лойиҳанинг биринчи босқичида дастлаб йилига 50 минг дона гибрид ва электр автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, мазкур лойиҳа тўлиқ ишга тушгач эса йилига 300 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлишини ҳам шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз.

Иккинчи босқичда эса қиймати 300 миллион долларлик лойиҳа ҳисобига электромобиллар сонини йилига 200 минг донага, 500 миллион долларлик учинчи босқич лойиҳасида 500 минг донагача етказиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда корхонага Хитойдан роботлаштирилган тизимлар ва ускуналар келтириб ўрнатилган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни автоматлаштирилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу ўринда электромобилнинг геометрик ўлчамларини юқори аниқликда текширувчи лаборатория ташкил қилингани таҳсинга лойиқ. Айни пайтда корхонада “Chazor” ва “Song Plus Champion” моделлари ишлаб чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, келишув шартлари маҳсулотларни маҳаллийлаштириш дастурини ўз ичига олади. Айни пайтга келиб, ушбу корхонада 1 минг 200 нафар, асосан жиззахлик ёшлар меҳнат қилмоқда.

Жиззахда автомобиль саноатининг ривожланиши минглаб иш ўринлари яратилиши, ҳудуд иқтисодиётининг ўсиши, экспорт ҳажмини ошириши баробарида мамлакатимиз енгил автомобиль бозорида ўзига хос рақобат муҳитини яратгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади, деб ёзади ЎзА мухбири Абдужалол Қаюмов.

Дарҳақиқат, бугун Жиззах автомобилсозлик соҳасида Ўзбекистондаги энг илғор ҳудудга айланди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Тармоқлараро саноат ярмаркаси бўлиб ўтди

Шуҳрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қарши шаҳрида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Рақамли трансформация маркази ҳамкорлигида ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаси бўлиб ўтди.



Унда “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзкимёсаноат”, “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамиятлари ҳамда “Ўзэлтехсаноат” ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмалари вакиллари, уларнинг маҳаллий ва чет эллик ҳамкорлари, кўплаб тадбиркорлик субъектлари қатнашиб, ўз маҳсулот ва лойиҳаларини тақдим этишди. Нафақат Ўзбекистон, балки бир қатор хорижий мамлакатларнинг нуфузли фирма ва компаниялари ҳам фаол иштирок этган ярмарка нефть ва газ саноати, электр энергетикаси, кимё, чарм-пойабзал, тўқимачилик, электротехника ва фармацевтика саноати соҳаларини қамраб олди. Ярмарка доирасида 2025 йилда инвестиция лойиҳалари ҳамда корхоналар эҳтиёжлари учун маҳсулот ва хизматларни кооперация асосида ишлаб чиқариш бўйича шартнома ҳамда меморандумлар имзоланди.

Тадбирда 100 дан ортиқ фирма ва компания ўзларининг кўргазмали стендлари билан иштирок этиб, улар томонидан кейинги бир йил давомида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган янги маҳсулот турлари ва тез орада амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар тақдимотлари ўтказилди. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича техник жиҳатдан ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандумлар имзоланди. Шу билан бирга, саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, юқори технологик маҳсулотлар, инновацион ишланмалар ва бошқа кўрсаткичлар бўйича самарали натижаларга эришган иштирокчилар рағбатлантирилди.

Статистика маълумотларига кўра, жорий йил 1 октябрь ҳолатига кўра, вилоятда 3 минг 258 та саноат корхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида ҳудудий корхоналар томонидан 28 триллион 742,7 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 108 фоизни ташкил этган.

Эътирофли яна бир жиҳати, ранг-баранг экспозицияда ярмарка иштирокчиларига вилоятнинг туристик объектлари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилиб, соҳа инфратузилмаси кенг таърифланди.

Албатта, икки кун давом этган ҳудудий саноат ярмаркасининг асосий мақсади – ишлаб чиқарувчилар ва давлат буюртмачиларининг ўзаро алоқаларини кенгайтириб, йирик корхоналар ҳамда кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик ҳамда саноат кооперациясини йўлга қўйишдан иборат бўлди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Кўп қаватли уйларнинг том қисми таъмирланди

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган фуқароларга қулай шароит яратиб бериш ва куз-қиш мавсумини беталафот ўтказишлари учун кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Гулистон шаҳар 3-мавзе “Боғишамол” МФЙ ҳудудида жойлашган 58-сонли кўп қаватли уйни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ва мавсумни беталафот ўтказиш мақсадида аҳолидан йиғиладиган мажбурий бадал тўловлари ҳисобидан Бошқарув сервис компанияси ишчи-ходимлари кўп қаватли уйнинг том қисмини фалгаизол қопламаси билан қоплаб, жорий таъмирлаб беришди.

Шунингдек, “Обод юрт” МФЙ ҳудудида жойлашган бир нечта кўп қаватли уйларда ҳам том қисмини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 35-, 77-,



ва 78-сонли кўп қаватли уйларнинг том қисмлари фалгаизол қопламаси билан қопланиб, таъмирдан чиқарилди.

Ҳозирда кўп қаватли уйларни жорий таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Ноқонуний қурилишлар ўрганилди

Ховос туманининг “Гулбаҳор” МФЙ Шаббода кўчасидаги 96-сонли кўп қаватли уйнинг умумий фойдаланишда бўлган жойларида фуқаролар томонидан ҳеч қандай рухсатсиз эгаллаб олиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, 96-сонли кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи 4 нафар фуқаро ўзбошимчалик билан, рухсатномасиз уйнинг туташ ҳудудидаги умумий фойдаланиш қисмини ўраш ва қўшимча бино қуриб олганликлари сабабли вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг масъул ходими Ш. Садиев томонидан 2 нафар фуқарога нисбатан тегишли тартибда бартараф қилиш бўйича мажбурий кўрсатма берилди. Шунингдек, инспекция томонидан ушбу 2 фуқарога нисбатан



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддасига асосан жами 6,8 млн сўм миқдоридаги жарима қўлланилди.

Сайхунободда корхоналар сони ортмоқда



Сайхунобод туманида жойлашган “Фаровон” кичик саноат зонасидаги корхоналар сони “AS-UN YEM” корхонаси ҳисобига яна биттага кўпаяди.

Умумий лойиҳа қиймати 10 миллион АҚШ доллари бўлган корхонанинг қурилиш ишларини вилоятдаги қурувчилар амалга ошираётган бўлса, энг сўнгги русумдаги ускуналар Туркиядаги “AGDAK ALATTIN XXX” корхонасидан келтирилади. Бунинг учун корхона таъсисчиларининг 10 миллион доллар миқдоридаги пул маблағи йўналтирилди.

Йилига 2 млн 737 минг 500 тонна ем ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона тўлиғича ишга тушса, 100 нафар аҳоли муқим иш жойларига эга бўлишади.

Бугунги кунда корхонада қурилиш ишлари учун 1 километр темир йўл тармоғи тортиб келинди. 2,64 гектар майдонда жойлашган омборхона, корхона офиси ва тегирмонини қуриш ишлари эса жадал давом эттириляпти. Мана шу ишлар билан танишиш мақсадида туман ҳокими Комилжон Муллажонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ корхонага ташриф буюриб, таъсисчи ва ишчи- хизматчиларга бир қатор топшириқлар берди.

Мазкур корхона тўлиғича ишга тушгач, кунига 7 минг 500 тонна ем маҳсулоти тайёрланиб, нафақат ички бозорга, балки ташқи бозорга ҳам чиқарилади. Бу эса, ўз навбатида, Сайхунобод туманининг иқтисодий кўрсаткичлари ўсишига, аҳолининг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ушбу кичик саноат зонасида буғдойни қайта ишлаб, ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Beshefar group” корхонаси ҳам барпо этилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 25 миллион АҚШ доллари бўлиб, корхонанинг қурилиш ишлари вилоят қурувчилари томонидан амалга ошириляпти. 15,5 миллион долларга энг сўнгги русумдаги тегирмон ва силос ускуналари эса Туркиядаги “Alapros Grain Milling Technology” корхонасидан келтирилади. Бунинг учун корхона таъсисчиларининг 25 миллион доллар миқдоридаги пул маблағи йўналтирилди.

Йилига 328 минг тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур корхона тўлиғича ишга тушса, 200 нафар ишсиз ва даромади йўқ ёшлар доимий иш жойига эга бўлишади. Бугунги кунда корхонада 9,5 млн долларлик қурилиш ишлари бажарилди. 3 километр темир йўл тармоғи тортиб келинди. Шу билан бирга, 22 минг квадрат метр майдонда жойлашган омборхона, корхона офиси ва тегирмонини қуриш ишлари ҳам жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Мазкур корхона тўлиғича ишга тушгач, кунига 1 200 тонна буғдой қайта ишланиб, 900 тонна ун маҳсулоти тайёрланади. Маҳсулотлар нафақат ички бозорга, балки ташқи бозорга ҳам чиқарилади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№94 (847) 2024 йил 29 ноябрь



“СОҲАНИНГ СОҒЛИҒИГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК”

– дейди халқаро эксперт Темур Аҳмедов

Яқинда пойтахтимизда яшил қурилиш бўйича ўтказилган форумда Халқаро молия корпорацияси масъулларидан бири ўз тақдимотида бутун дунёда ҳаво ифлосланишининг 40 фоиз улуши айни қурилиш жараёнларига тўғри келишини таъкидлаб ўтганди. Атроф-муҳитга етадиган мазкур зарарни камайтириш учун яшил қурилиш стандартларини амалга татбиқ этиш лозим. Яшил қурилиш, энергия самарадорлик ва соҳага оид бошқа мавзуларда халқаро эксперт Темур АҲМЕДОВ билан мухбиримиз Муродбек ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.



Темур АҲМЕДОВ – *энергия самарадорлик, қайта тикланувчи энергия, яшил қурилиш соҳаси бўйича 20 йиллик тажрибага эга мутахассис. У мазкур соҳада 14 йил давомида АҚШда фаолият юритган ва 2019 йилдан буён Ўзбекистонда ишлаб келмоқда. Ҳозирда Янги Тошкент дирекциясида яшил қурилиш ва энергия самарадорлик стандартлари бўйича маслаҳатчи ҳамда Тошкент шаҳридаги Аджу университетида ўқитувчи бўлиб ишламоқда.*

– Яшил қурилиш қандай бўлади ва бу турдаги қурилишлар Ўзбекистонда ҳам борми?

– Яшил қурилишга бир тизим сифатида қараш керак. Яъни, бунда қаерда бино қурилади, қандай қурилади, қандай материаллардан фойдаланилади, ким қуради, қурувчиларнинг яшаш ҳолати, қурилиш жараёнида атроф-муҳитга зарар етиши каби жиҳатлар эътиборга олинади. Шунингдек, қурилиш давомида ишчиларнинг хавфсизлиги, қурилиш чиқиндиларини саралаш ва бино фойдаланишга топширилгач, қанча энергия, сув сарфланиши, одамлар учун қулайлиги, ҳаво сифатига аҳамият берилади.

Тарихга қарасак, бир пайтлар одамлар мавжуд қурилиш материалларидан фойдаланиб бинолар барпо этишган. Масалан, пахса, синч ва хом ғиштдан қурилган уйлар бўлган. Бу пассив самарадорлик дейилади, яъни бино шундай қурилганки, ёзда салқин, кишда иссиқликни сақлаб туриши керак бўлган. Бунда, кун давомида қуёш нурларининг уйга қандай тушиши ҳам инобатга олинган. Бундан ташқари, уйнинг ёнидан оқиб ўтувчи ариқ ва ишком ҳовлининг ёзда салқин бўлишини таъминлаган. Неча юз йиллар давомида тажрибалар асосида одамлар тўғри қуришни ўрганиб боришган. Уларни ҳам яшил бинолар, дейиш мумкин. Чунки уларда яшил қурилишнинг кўплаб жиҳатлари мавжуд. Ўша услубларни ўрганиб, янги технология қўшиб, яшил бинолар қурса бўлади. Тўғри, пахсадан 20 қаватли уй қурилмайди, лекин қурилиш фалсафасини ўрганиб, янгича усулда бино тиклаш мумкин. Афсуски, ҳозирда бизда яшил бинолар саноқлигина.

– Янги Тошкентнинг лойиҳасига қараб “Яшил шаҳар” бўлади дейишимиз мумкинми?

– Мақсад шундай. Янги Тошкент қурилишининг биринчи босқичи 6 минг гектар майдонда амалга ошириляпти. Инфратизимнинг биринчи қадами – яшил ҳудудлар ва анҳорларни ўз ичига олади. Йўллар, бинолар кейинги босқичда бўлади. Чунки шаҳарнинг атроф-муҳитга, аҳолига зарари тегмаслиги учун биринчи навбатда экотизим қилинади ва ундан кейин транспорт тизими, бинолар, коммунал ва ҳоказо. Янги Тошкент лойиҳасига қарайдиган бўлсак, яшил ҳудудлар бир-бирига уланиб кетган. Шаҳар бўйлаб пиёда юрилса, ҳамма жойда яшиллик, боғларни боғлаб турадиган яшил ҳудудлар бўлади. Ҳозирги Тошкентга қарасак, хиёбонлар худди кичкина-кичкина оролчалардай яккаланиб қолган. Экотизимга фақат дарахтлар эмас, қушлар, ҳашаротлар ва бошқа ҳайвонлар ҳам киради. Булар ҳаммаси бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Тегишли ташкилотлар билан биргаликда Янги Тошкент шаҳрига экиладиган ўзимизда ўсадиган, иқлимимизга мос 170 тур дарахтнинг рўйхатини қилдик.

Саволга келадиган бўлсак, агар мана шу дарахтлар экилса, яшил қурилиш стандартларига амал қилинса, албатта, яшил шаҳар бўлади. Шаҳар қуриш – бу бир неча авлоднинг иши. Шаҳар ҳам бир организмга ўхшайди, у яшаши, ривожланиши, унда ҳаёт бўлиши керак. Жараёнлар қайнаб турмаса, шаҳар секин-секин ўлади. Дунё тарихига қарайдиган бўлсак, бундай шаҳарлар бор.

– Сизнингча, архитекторлар, қурувчилар, умуман, соҳа мутасаддиларини яшил қурилишга қандай тарғиб қилиш мумкин?

– Қурилиш – иқтисодиётимизнинг драйверларидан бири. Шунинг учун бу соҳанинг соғлиғига эътибор бериш керак. Бунинг учун қурилиш ташкилотлари ривожланиши керак, бу эса уларнинг даромад кўришига боғлиқ. Чунки тадбиркор даромад кўриш учун ишлайди. Юқорида айтганимдек, давлатнинг бу ердаги вазифаси худди спортдаги каби қоидаларни тартибга солишдир. Масалан, футболда аниқ қоидалар, ҳакамлар бор, ўйинчилар тартибга амал қилиб ўйнашса, ҳаммаси яхши бўлади. Қурилиш соҳаси ҳам худди шундай. Давлат – бу назоратчи. Биринчидан, қоидаларни ишлаб чиқади, кейин ўша бўйича назорат олиб боради. Хориж мамлакатларидаги жараёнлардан ҳам кўришимиз мумкинки, тадбиркорлар ҳар қандай ҳолатда ҳам бир иложини топишга ҳаракат қилишади. Тўғри, ишлаш қанча осон бўлса, кўпроқ тадбиркорлар соҳага киради. Лекин қоида аниқ бўлса, тадбиркор шу тартиб бўйича ишласа, қанча харажат қилиши ва даромад кўришини ҳисоблаб чиқади. Даромад миқдори етарлича бўлса, у ишни бошлайди.

Туркияда зилзила оқибатида қанча бино бузилиб кетди. Кейин аэропортлардан четга чиқиб кетишга уринаётган қурувчи тадбиркорларни, муҳандисларни, архитекторларни ушлаб юришди. Бинонинг сифатсиз қурилиши инсонлар ҳаётини хавфга қўяди. Қатъий нормалар жорий қилинса, уларга амал қилолмайдиганлар бошқа соҳага ўтади. Ҳозир ҳамма қурилиш билан шуғулланяпти. Бундай бўлиши керак эмас. Тажриба керак, мутахассисларни ишга ёллаш, жорий стандартлар бўйича ишни ташкил қилиш, кам қурилиш компаниялари бўлса ҳам, сифатли ишлайдиганлари қолиши керак. Шунда янги компания очмоқчи бўлганлар қандай ишлаш кераклигини билишади. Халқаро стандартларни жорий қилиш бизнинг қурилиш компанияларига ҳам жиддий ёрдам беради. Улар фақат Ўзбекистондаги қурилишлар билан чекланиб қолмай, чет элдаги қурилишларда ҳам иштирок этишса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун эса тажриба ва сифатли ишлашни билиш лозим. Яъни, ўзимизнинг мамлакатда халқаро стандартлар бўйича бино қуролса, хорижда ҳам бемалол ишлай олади.

– Тошкент ва бошқа шаҳарларни ҳам яшил шаҳарга айлантириш мумкинми ёки янгитдан қуриш керакми?

– Ўзи яшил қурилиш соҳасида “энг яшил бино – мавжуд бино” экани айтилади. Янги бино қуриш учун материаллар, энергия сарфланади ва қайсидир бўш жой устига қурилади. Мавжуд бинога эса материал, энергия сарфланган ва синовдан ўтган бўлади. Баъзи бир бинолардан 400-500 йиллаб фойдаланилади. Масалан, бизда ҳам узоқ йиллардан буён фойдаланилаётган қадимий бинолар бор. Уларни яшил бинолар деса бўлади. Чунки уларга бир марта сарфланган материал, энергия ва бошқа ресурслар неча юз йиллар давомида ишлатиляпти. Мен ҳам фаолиятимнинг асосий қисмида мавжуд бинолар билан ишлаганман. Уларни ўрганиб, яшил бино қуриш мумкин.

– Ўзбекистонда яшил энергияга бўлган муносабат қандай ва бу борада қандай ишлар амалга оширилиши керак, деб ўйлайсиз?

– Бизда яшил энергетика жуда тез ривожланиб кетди. Сўнгги бир неча йил давомида 2 гигаватт қуёш панеллари ўрнатилди ва яна 1 гигаватт шамол энергетик қурилмалари ўрнатилиши режалаштирилган. Бу катта натижа, лекин бизга бу ҳали етарли эмас, менимча. Адашмасам, режа бўйича 8 гигаватт қуёш энергияси ва 5 гигаватт шамол энергияси қурилмалари ўрнатилиши кўзда тутилган. Чунки иқтисодиётимиз тез ўсяпти, қолаверса, аҳоли сони ҳам ошиб бормоқда. Энергия етказиб бериш учун қайта тикланувчи энергия – энг қулай восита. Айтайлик, қуёш панелни ўрнатиш учун сизга кўп вақт ва жуда катта маблағ керак бўлмайди. Лекин баъзи жойларда ишламайдиган қуёш панелларини қўйиш ҳолатлари ҳам учрайди. Ҳозирда бу борада текшириш олиб борадиган лабораториялар йўқ. Айтайлик, кириб келаётган панелларнинг сифатини текшира олмаймиз. Бу эса бутун тармоққа таъсир қилади. Сабаби, электрнинг ҳам сифати бўлиши керак. Биноларнинг том қисмига қуёш панели ўрнатиш яхши, чунки кам харажат талаб қилади. Шунингдек, бу бўйича катта фирмалар ҳам фаолият олиб бориши керак.

– Энергия самарадорликка эришиш учун қурилиш жараёнида нималарга эътибор қаратиш лозим?

– Биринчи ўринда, амалдаги норма ва қоидалар бўйича ишлаш керак. Шунингдек, бино халқаро стандартлар асосида қурилса, бу ҳам энергия самарадорликка эришишга ёрдам беради. Ўша стандартларда барчасига ечим бор, яъни бинонинг қайси томонига кўпроқ ойна қўйилиши ва бошқа жиҳатлар келтирилган. Шу йўсинда иш олиб борилса, мавжуд бинолар ва янги қурилаётганларида ҳам самарадорликка эришиш мумкин.

– Мамлакатимизнинг қурилиш соҳаси бўйича амалдаги стандартлари ҳақида қандай фикрдасиз?

– Баъзи бир стандартларимиз СССР давридан қолган. Уларни ёмон демоқчи эмасман. Шунчаки ҳозир янги материаллар, технологиялар, қурилиш услублари яратилди. Шу сабабли, уларни ҳам янгилаш керак. Масалан, АҚШ қурилиш стандартлари ҳар бир штатдаги иқлими, жойлашуви, иқтисодий масқадларига кўра ўзига хос тарзда бир-биридан фарқ қилади. Уларда қурилиш ва бинонинг энергетик тизимига тегишли алоҳида стандарт бўлади. Бизда ҳозир иккаласи битта. Бу ҳам ёмон эмас. Лекин энергия ва сув муҳим бўлгани учун, балки, буларни алоҳида битта стандарт қилиш керакдир. Ўшанда уларнинг муҳимлиги ва назорат қилиш тизими аниқ бўлади, менимча.

– Келгусида маъмурият бинолари Янги Тошкентга кўчирилиши айтилмоқда. Аммо ҳаммамизга маълумки, ҳозирги Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси, инфратузилмалар ва яна кўплаб чуқур илдиз отган муаммолар мавжуд. Янги шаҳар қурилгач, эскиси эътибордан четда қолмасмикан?

– Янги Тошкент 2,5 миллион аҳолига мўлжалланяпти. Буни қўшимча аҳоли пункти, десак бўлади. Янги Тошкент ҳозиргиси билан боғлиқ, битта шаҳар бўлади. Қуриладиган бинолар лойиҳалаштирилаётганда шамолни тўсиб қўймаслиги ҳам инобатга олинган. Чунки Тошкентга тоғдан келаётган шамол ўтиши керак. Агар фақат баланд бинолар қурилса, улар шамолни тўсиб қўяди. Оқибатда эса ҳаво сифати ҳозиргидан ҳам ёмонлашади. Янги Тошкент қурилишида бу жиҳатларга эътибор қаратилган. Яна бир томони шундаки, Янги Тошкентдаги яшил зоналар, сифатли, энергия самарадор биноларни кўриб, аҳолида ҳам бу бўйича маданият шаклланади, деган умиддамиз. Балки қурувчилар, муҳандислар, архитекторлар ҳам бу ерда янги тажрибалар орттириб, кейинчалик шу тарзда, юқори сифатли бинолар қуришга киришишлари мумкин.

– Мазмунли суҳбат учун раҳмат!

Профилактик тадбирлар хавфсизлик гарови

Толмас АВЕЗОВ, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 4-цех устаси.
Назира ҲАМРАЕВА, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 3-цех акс таҳлилчиси.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи (БНҚИЗ) ва унга тегишли барча объектларда жорий йилнинг 15 ноябридан 15 декабригача “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” эълон қилинган.



Ойлик давомида СХ, ММ ва ХТ хизматининг ММ ва ХТ гуруҳи ҳамда БНҚИЗ БЁХТТЭБ инспекторлари билан ҳамкорликда заводнинг барча бўлим ва цехларида ёнғинларнинг олдини олиш бўйича ходимлар ўртасида кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, 3-цех (буғ-ҳаво-газ таъминоти цехи) ишчи-ходимлари учун ёнғин ўчириш машинаси ва жиҳозларининг ишлаш принципи, хонадонларда ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш, ёнғин юзага келган пайтда бажарилиши лозим бўлган чоралар тушунтирилди.

Шунингдек, бундай тадбирлар ҲГҚО ходимлари, СХ, ММ ва ХТ хизматининг ММ ҳамда ХТ гуруҳи, БНҚИЗ ОЁХТТЭБ инспекторлари билан ҳам ташкил этилмоқда. Жумладан, 4-цех (сув таъминоти ва оқова цехи) ишчи-ходимлари учун ёнғин ўчириш машинаси ва жиҳозларининг ишлаш принципи, хонадонларда ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш, ёнғин юзага келганда кўрилиши керак бўлган ишлар тўғрисида тушунтириш олиб борилди.

Профилактик тадбирлар жорий йилнинг 15 декабрига қадар давом этади.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2024 йил ноябрь ойининг 29-30 саналари, декабрь ойининг 1-6 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бош мутахассиси **Азизбек Шарипов,** Бинога хизмат кўрсатувчи ишчи **Ўткир Ҳашимов,** ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш, реновация лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи **Азизбек Эркабоев,** оператор, “Call-center” диспетчери **Жаҳонгир Ҳайдаров,** Ичимлик ва оқова сув тизимларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи **Ғайрат Раҳимов,** Биринчи бўлим бош мутахассиси **Бобиржон Асадов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ижро назорати бўлими бош мутахассиси **Жамол Атаханов,** Кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ва коммунал хизматлар кўрсатилишини назорат қилишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Исмоил Абидов,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бош мутахассиси **Марат Магданов,**

“Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi” ДМ бош мутахассиси **Хуршидбек Умматалиев,** етакчи мутахассис **Бекзод Казаков,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси бош мутахассиси **Рафаэль Ҳабибраҳмонов,** “Марказий” филиали бош мутахассиси **Обиддин Юсупов,** “Ғарбий” филиали етакчи муҳандиси **Азимжон Ҳасанов,**

“Ташгипрогор” АЖ бўлим бошлиғи **Людмила Грибановская,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ ОИСК бўлими бошлиғи **Сарвар Саипов,** ООРТР гуруҳ раҳбари **Михаил Ситкин,** ТСП етакчи муҳандиси **Тина Ким,** ЭТА етакчи муҳандиси **Дмитрий Божко,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 2-устахонаси муҳандиси **Азизхон Шарипов,** 4-устахонаси гуруҳ мудири **Иброҳим Абдуллаев,** Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 7-устахонаси мутахассиси **Маъмура Абдуллаева,** Иқтисодий режалаштириш ва шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи **Зафар Тожиев,** Смета ва нархларни шакллантириш бўлими сектор мудири **Шаҳида Исмаилова,** техник бўлим 1-тоифали мутахассиси **Дилноза Темирова,**

“Иссиқлик манбаи” ДУК Наманган вилояти филиали бошлиғи **Нурбек Валиев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи инспектори **Юсупбай Нуруллаев,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ иқтисодчиси **Дауилбай Данебаев,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори **Зуҳриддин Муҳиддинов,** Архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси етакчи мутахассиси **Акмал Одилов,** Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини ривожлантириш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш шўъбаси бош мутахассиси **Шермат Фаттиев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош инспектори **Улуғбек Бақоев,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими инспектори **Улуғбек Олимжонов,** Инспекция ҳайдовчилари **Ваҳоб Шерпўлатов, Файёз Мамадиев,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборанти **Ферузбек Нурмуродов,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси лаборанти **Аброр Сафаров,** бош мутахассис **Шерзод Маҳмудов,**

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ичимлик суви, оқова сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш бўлими бошлиғи **Комил Исмаилов,** Олтинсой тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Руслан Эшмуратов,** Қумқўрғон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектори **Сайдали Исаев,**

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси етакчи мутахассислари **Шуҳрат Раҳимов, Мажубек Артиков,**

Фарғона вилояти, Сўх тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва ҳудудларни режалаштириш бўйича бош мутахассис **Исломжон Джураев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги “Nukus Kommunal Servis” БСК МЧЖ бош директори **Азамат Имангалиев,**

Андижон вилояти Андижон шаҳридаги “Био тех сервис” БСК МЧЖ бош директори **Ядгар Сафаров,**

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги “Тўрақўрғон бошқарув коммунал сервис” МЧЖ бош директори **Маърифат Ҳасанова,**

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги “Абдурауф Толипович Буилдинг” БСК МЧЖ бош директори **Фаррух Юлдашев,**

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги “Чирчиқ янги нур сервис” БСК МЧЖ бош директори **Интизор Иминова,**

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги “Centirion 24” БСК МЧЖ бош директори **Маҳмуджон Назаров,** Чилонзор туманидаги “Дўмбиробод строй коммунал сервис” БСК МЧЖ бош директори **Равшан Азизов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

ГУП “СЛУЖБА ЗАКАЗЧИКА В СФЕРЕ СТРОИТЕЛЬСТВА” ФЕРГАНСКОГО ОБЛАСТНОГО ХОКИМИЯТА

ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ!

Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:

№ п/п	Номер контракта	Наименование объекта	Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС)	Срок строительства (календарных дней)	Залоговое обеспечение в виде Банковской гарантии (сум)
1.	MOEI-RIDP-FER-W-86	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Порлок” Язъяванского района Ферганской области	1 319 046 709	90	26 380 934
2.	MOEI-RIDP-FER-W-87	Строительство спортивной площадки в МСГ “Камиштепа” Куштепинского района Ферганской области	861 995 172	120	17 239 903
3.	MOEI-RIDP-FER-W-88	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Кийки” Куштепинского района Ферганской области	1 767 451 646	90	35 349 033
4.	MOEI-RIDP-FER-W-89	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-й категории в МСГ “Гулистон” Сохского района Ферганской области	1 444 237 577	90	28 884 752
5.	MOEI-RIDP-FER-W-90	Строительство моста в МСГ “Ленбур” Сохского района Ферганской области	2 248 196 222	130	44 963 924
6.	MOEI-RIDP-FER-W-91	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-й категории в МСГ “Хайит” Фуркатского района Ферганской области	6 952 286 206	140	139 045 724
7.	MOEI-RIDP-FER-W-92	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-й категории в МСГ “Чилгижийда” Фуркатского района Ферганской области	8 290 403 104	140	165 808 062
8.	MOEI-RIDP-FER-W-93	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-й категории в МСГ “Эски” Фуркатского района Ферганской области	6 220 918 273	140	124 418 365

ГУП “Служба заказчика в сфере строительства” Ферганского областного хокимията

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

По объектам электроснабжения необходимо наличие лицензии на строительство объектов повышенного риска (участник должен продемонстрировать действительную лицензию, дающую право на проведение высоковольтных работ).

Участником торгов может быть частная или правомочная государственная организация. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в **Государственном учреждении “Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства Ферганской области”** и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Сумма оплаты для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 2 БРВ (базовая расчетная величина)**.**

Получатель: ГУ “Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве Ферганской области”.

Банковские реквизиты: Ферганский филиал “InFinBank” р/с 2021 0000 2037 6761 8001 ИНН 202 529 457 МФО 01128.

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться **залоговым обеспечением только в виде банковской гарантии** по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **18.00** (по ташкентскому времени) **20 декабря 2024 г.,** где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.

Подпроекты, проведённые\проводящие на тендерной платформе в Национальном информационном агентстве “Шаффоф курилиш”, не будут обсуждаться на заседании закупочной комиссии.

Организация для подачи предложений:

Государственное учреждение “Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства Ферганской области”.

Адрес: Ферганская область, г. Фергана, ул. С. Темура, дом, 111“6”.

Тел.: (99899) 615-68-91, 615-68-92

E-mail: fartender@mail.ru

Ответственный представитель консалтингового центра: М. Содиков.

Информация по объекту ***MOEI-RIDP-FER-W-59 Асфальтирование внутренних дорог 5-й категории в МФЙ “Шахартепа” Куштепинского района Ферганской области,*** ранее опубликованном в номере 89 (842) газеты “O‘zbekiston bunyodkori” от 11 ноября 2024 года, аннулируется согласно письму ГРП при Министерстве экономики и финансов Республики Узбекистан №02-65-02/23-175 от 26 ноября 2024 года.

(ПРОДЛЕНИЕ)

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

получила кредит от Всемирного банка (Банка) на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на выполнение проектно-изыскательских работ, разработки рабочего проекта и авторского надзора по следующим объектам:

№ пакета	Наименование объектов	Расчетная стоимость услуг, *сум*
MOEI-RIDP-SYR-CS-40	Улучшение электроснабжения МСГ “Озодлик” Баяутского района Сырдарьинской области	41 792 000
MOEI-RIDP-SYR-CS-41	Бетонирование внутренних дорог МСГ “Дустлик” Баяутского района Сырдарьинской области	39 134 000
MOEI-RIDP-SYR-CS-42	Бетонирование внутренних дорог МСГ имени Амира Темура Баяутского района Сырдарьинской области	25 487 000
MOEI-RIDP-SYR-CS-43	Улучшение электроснабжения МСГ имени Амира Темура Баяутского района Сырдарьинской области	26 415 000
MOEI-RIDP-SYR-CS-44	Бетонирование внутренних дорог МСГ имени Мукуми Баяутского района Сырдарьинской области	33 360 000
MOEI-RIDP-SYR-CS-45	Улучшение электроснабжения МСГ имени Мукуми Баяутского района Сырдарьинской области	26 415 000
MOEI-RIDP-SYR-CS-47	Улучшение электроснабжения МСГ “Кайирма” Хавастского района Сырдарьинской области	51 616 000

ГУП “Служба единого заказчика” Сырдарьинской области

(далее именуемый “Заказчик”)

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые (однопакетные) предложения по выполнению проектно-изыскательских работ, разработки рабочего проекта и авторского надзора по вышеназванным объектам.

Более подробная информация об услугах приведена в Техническом задании.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию и тендерную документацию в Консалтинговом центре по организации государственных закупок в сфере строительства Сырдарьинской области до 9 декабря 2024 г.

Предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по нижеследующему адресу: Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж) не позднее 16.00, 9 декабря 2024 г.

Подача предложений:

a) заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации;

b) **крайний срок подачи заявок** – 09.12.2024 года, 16.00;

c) **организация для подачи заявок Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства:**

адрес: Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж).

Тел.: (99867) 227-64-48.

E-mail: tender-12@mail.ru

Ответственный представитель консалтингового центра: Шавкат Джураев.

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени.

Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается Участнику торгов нераспечатанным.

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 781-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ва савдо шохобчалари майдони ўзгаргани сабабли такроран қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, *сўмда*
1.	**45/15** сонли, умумий майдони 13,30 м² бўлган савдо шохобчаси	212 800 000
2.	**37-7A** сонли, умумий майдони 30,00 м² бўлган савдо шохобчаси	180 000 000
3.	**41-1-81** сонли, умумий майдони 28,00 м² бўлган савдо шохобчаси	98 000 000
4.	**37-43** сонли, умумий майдони 20,00 м² бўлган савдо шохобчаси	120 000 000
5.	**37-44** сонли, умумий майдони 20,00 м² бўлган савдо шохобчаси	120 000 000
6.	**37-45** сонли, умумий майдони 20,00 м² бўлган савдо шохобчаси	120 000 000
7.	**19/15** сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	90 000 000
8.	**19/16** сонли, умумий майдони 35,00 м² бўлган савдо шохобчаси	210 000 000
9.	**45/17** сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	192 000 000
10.	**45/18** сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	192 000 000
11.	**45/19** сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	192 000 000
12.	**45/20** сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	192 000 000
13.	**45/21** сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	192 000 000
14.	**45/22** сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	192 000 000
15.	**45/23** сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	192 000 000
16.	**45/24** сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	192 000 000
17.	**45/25** сонли, умумий майдони 9,00 м² бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
18.	**45/26** сонли, умумий майдони 9,00 м² бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
19.	**45/27** сонли, умумий майдони 7,00 м² бўлган савдо шохобчаси	112 000 000
20.	**12-21-23** сонли, умумий майдони 9,00 м² бўлган савдо шохобчаси	144 000 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 25 декабрь куни соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2024 йил 27 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 10, 24 январь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-82.



ОБУНА – 2025!

“Ўзбекистон бунёдкори” газетасига обуна бўлинг.

Юртимизда қурилиш-бунёдкорлик, коммунал-ободонлаштириш соҳаларида амалга оширилаётган янгиликлардан доимий хабардор бўласиз!

uzbunyodkori@mail.ru

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй (“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ биноси).

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

uzbunyodkor

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№94 (847) 2024 йил 29 ноябрь

ПОП ТУМАНИ: ФАРОВОНЛИК ОДИМЛАРИ

Равшанбек ОНАРБОЕВ,
Поп тумани ҳокими ўринбосари.
Муҳиддин МАҒЗУМОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугунги кунда Наманган вилоятидаги маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, давлат дастурлари доирасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кенг кўламли бунёдкорлик ва куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Бош вазир ўринбосари Ачилбай Раматов Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов ҳамроҳлигида Поп туманида ўрганишлар олиб борди.









Кўплаб бошқа долзарб масалалар қаторида хорижий ҳамкор Бирлашган Араб Амирликларининг “Me ca overseas investments dmcc llc” компанияси таъсисчилигида Хитойнинг “Next solar energy group” компанияси томонидан барпо этилаётган қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши ҳам республика ишчи гуруҳининг эътибор марказида бўлди. Қўшминор маҳалласи адирликларида 1 200 ва 1 100 гектар майдонда барпо этилаётган, ҳар бирининг қуввати 500 мегаватт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси фойдаланишга топширилғач, 1 500 киши иш билан таъминланади. Йилига 1 миллиард 100 киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари, туманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралда имзоланган “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида, иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия технологияларидан самарали фойдаланилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, режа бўйича 275 та объектда 4,62 МВт қувватли қуёш панеллари ўрнатиш белгиланган бўлса, амалда 1 045 та объектда 6,98 МВт қувватли панеллар ўрнатилди. Бу аҳоли хонадонларида 591 та, тадбиркорлик субъектларида 319 та, ижтимоий соҳа объектларида 129 та ҳамда кўп қаватли уйларда 6 тани ташкил этади. Бунинг натижасида тумандаги энергия истеъмолчиларининг бир йилдаги 30 572 минг кВт/соат эҳтиёжи қопланади.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 26 миллиард 179 миллион сўм маблағ эвазига 7 та сув иншоотини қайта реконструкция қилиш, 2 тасини янгитдан қуриш ва 84 километр масофада тармоқ тортиш белгиланган. Амалда 20 миллиард 400 миллион сўмлик 2 та сув иншоотини қайта реконструкция қилиш, 1 тасини янгитдан қуриш ҳамда 76 километр тармоқ тортиш ишлари якунланди. Умуман, кейинги уч йил мобайнида Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорларига асосан, 97 миллиард 300 миллион сўм эвазига 485,8 километр ичимлик сув тармоғи тортилди. 9 та сув иншооти ва 6 та янги қудуқ қурилди. 9 та иншоот таъмирланиб, қарийб 20 мингта хонадонда яшовчи 62 мингдан зиёд фуқаро ичимлик сувидан бахраманд бўлди.

2024 йилда давлат дастурлари доирасида 61 та маҳаллада ёки 72 та объектда жами 187 миллиард 695 миллион сўмлик қурилиш ишлари олиб борилиши режалаштирилган бўлса, шундан 58 та маҳаллада ёки 67 та объектда 135 миллиард 300 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрда қабул қилинган “2024 - 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 22 та лойиҳада қурилиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Буларнинг 4 таси (Курнос-Араб-Ғова йўли, Чодак насос станцияси-Ирригация, Қамчиқ-Резак-тунели ва автомагистрал кўприк) 2025 йилга ўтувчи объектлар ҳисобланади. Бугунга қадар 15 та объект фойдаланишга топширилди ва йил якунигача 3 та лойиҳа ҳам якунига етказилади.

Шунингдек, тумандаги 11 та объектда 16 миллиард 200 миллион сўмлик қурилиш ишлари режалаштирилган бўлиб, шулардан 9 таси фойдаланишга топширилди. Чодак шифохонасида иситиш тизимини созлаш, ташқи девор қисмини ўраш ва ободонлаштириш ҳамда Ўрта Хонободдаги Олиш кўпригида сой қирғоғини бетонлаш ишлари бажарилмоқда. Ҳар икки объектда 95 фоиз ишлар якунланган.

Бундан ташқари, “Ташаббусли бюджет” давлат дастурининг 2024 йил 1-мавсумида 19 миллиард 300 миллион сўмлик 16 та лойиҳа ғолиб деб топилган. Айни пайтда 14 тасида ишлар якунланди. 12-сонли умумий ўрта таълим мактабида 80 фоиз, Хонобод маҳалласидаги 25-сонли оилавий поликлиникага қўшимча икки қаватли бино қуриш объектида эса 85 фоиз пардозлаш ишлари бажарилди. 2-мавсумда эса 19 миллиард 500 миллион сўмлик 15 та лойиҳа ғолиб деб топилди. Яъни, 9 та ички йўл таъмирланади ва 6 та ижтимоий соҳа объектида шароит яхшиланади. Ушбу барча объектларда лойиҳалаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябрдаги “Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини бажариш мақсадида режалаштирилган 24 та лойиҳадан 17 таси амалга оширилди. Янгиобод, Соҳибкор, Миришкор, Бирлашган, Наврўз, Тепақўрғон ва Қандиғон маҳаллаларида электр таъминотини яхшилаш, шунингдек, Бунёдкор маҳалласида ичимлик сув тармоғини тортиш ишлари бажарилмоқда.

Туманда замонавий кўп квартирали уйлар қуриш кўламини кенгайтириш ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида 2024 йилда 5 та 143 хонадонли уй-жой қурилиши режалаштирилиб, бугунги кунгача 99 хонадонли 3 та уй фойдаланишга топширилди. Қолаверса, 2024-2025 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида жами 32,75 минг тонна – аҳоли учун 20,63 минг, бюджет муассасаларига 10,74 минг ва бюджет муассасаларига 1,38 минг тонна кўмир ёқилғиси етказиб бериш белгиланган. Шу кунгача бу режа 24,4 минг тонна ёки 72,7 фоизга бажарилди. Кўмирга эҳтиёжманд сифатида платформага 15 641 та хонадонни киргизиш режалаштирилган бўлса, амалда бу кўрсаткич 15 964 тага етказилди.

Шунингдек, Маданият маҳалласида янги шифо маскани фойдаланишга топширилди. Марказдан анча олис тоғли ҳудудда барпо этилган ушбу замонавий оилавий шифокорлик пункти 50 қатновли бўлиб, бунинг учун Жаҳон тараққиёт банки дастури асосида 2 миллиард 641 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Тақдимот маросимида вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов, туман ҳокими Аъзамжон Султонов, тиббиёт бўлими вакиллари, маҳалла нуронийлари ва кенг жамоатчилик иштирок этишди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Поп туманида аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида ана шундай бир қатор эътирофга лойиқ ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Истиқболдаги режалар эса янада зиёда.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари — **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи — **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ — **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “Ўзшаҳарсозликлити” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1141.
1490 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 21.35.
Топширилди – 22.35. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2024 йил 6 декабрь куни чиқади.

Кўпчилик муштарийларнинг таклифларига биноан газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб кроссворд бериб борилади.

БИНОКОР

Энига: 1. Айлана шаклида қурилган гумбазли иншоот. 5. Закий инсон. 10. Осиёдаги давлат. 11. Автотураргоҳ. 12. Поясидан тола олинадиган ўсимлик, лекин пахта эмас. 14. Французчадан таржима қилинганда “чанг” маъносини ангатувчи, асосан, косметикада, шунингдек, қурилишда ишлатиладиган восита. 17. Айирув боғловчиси. 18. Германиядаги музофотлардан бири. 20. Ҳўл мева. 22. Кўрсатиш олмоши. 23. Учинчи сайёра. 24. Лаосда “тийин” шундай аталади. 26. Сунъий йўл билан олинадиган қурилиш тоши. 28. Товуш, сас. 30. “Абулфайзхон” драмаси муаллифи. 31. Ёш от. 32. “Тико”дан ёш, “Спарк”дан катта. 33. Водород шу ҳарф билан белгиланади. 34. Экин бошига қурилган вақтинча уй. 36. Бинонинг шифер ишлатиладиган қисми. 37. Ҳукмдор, монарх. 39. Сўроқ ёки ҳайрат юкламаси. 40. Енгил шабада. 41. Автобус ёки юк машина русуми. 42. Лисон-...- тайр. 43. Баҳрайн пойтахти. 44. Қайта қуриш, тиклаш маъноларини англатувчи олд қўшимчаси . 45. Интернет орқали ишлайдиган саволнома. 47. Машҳур қурол русуми. 49. Уй, яъни ҳовли-жой ёнидаги ер. 52. Қўшиқчи .... Назархон. 55. Қизил рангли қимматбаҳо тош. 56. Бўйсунувчи, қарам. 58. Пасткаш, разил. 59. Ёқутистонда яшовчи туркий халқ вакили. 61. Ўзбекистондаги энг йирик давлат ОАВ. 62. Митти одам. 64. Тошкентдаги стадион. 66. Бирликнинг қисмларидан ташкил топган сон. 68. Кобра ёки анаконда. 69. Юртимизда ишлаб чиқарилган автомобиль. 70. Тожикча “икки”. 71. Шевада она ёки буви. 72. Чарм, кўн. 75. Нақш солиш, шунингдек, сувоқ, учун ишлатиладиган қурилиш материали. 76. Тоҳир Малик асари. 77. Лўмбозбоп материал.

Бўйига: 1. Самарқанд марказидаги машҳур майдон. 2. Қурилиш материали сифатида ишлатиладиган дарахт. 4. Қурилишда, баланд биноларни тозалигини сақлашда асқотадиган спорт тури. 5. Айғоқчи Жеймс. 7. Ҳиндулар қабиласи. 8. Миқдор ўлчов бирлиги. 9. Вазни Ерникидан 17 баробар оғир сайёра. 13. Сўровнома. 15. Қуш ини. 16. Аббосбек Файзуллаевнинг биринчи устози. 19. Кунжутнинг бошқа номи. 21. Форсча “сув”. 22. Сув иситгич. 24. Туркиядаги тоғ. 25. Ичнинг акси. 27. Тўп қилиб тахлаб қўйилган пахта. 29. Ўзбекистон халқ шоири ... Матжон. 30. Италия автогиганти. 34. Қозоғистондаги шаҳар. 35. Куйдирилган ва туйилган оқ гипс. 36. Сартарош қуроли. 38. ...-ишора. 39. Франциялик қўшиқчи Патриция ... . 40. Бекобод футбол клуби. 42. Солиқ тури. 46. Сакраш майдони. 48. Бангладеш бош шаҳри. 50. Одамларни кулдириш учун ташкил этилган жамоа номи. 51. Поклик ранги. 53. Шимолий Қутб ортидаги шаҳар. 54. Қадимги Мисрда Қуёш маъбуди. 57. Тулпор, йилқи. 59. Токиолик фуқаро. 60. 24 соат. 61. АН-124 самолёти номи. 63. “Ушлаб ол” маъносини англатувчи буйруқ. 64. Сўзлашувдаги “жуда” 65. Руҳий азоб. 67. Супа, тахта каравот. 70. Леонардо ... Винчи. 73. Ем. 74. Иш.

Тузувчи Шуҳрат Хўжаев.

